

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ - ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА МУҲИМ ЙЎНАЛИШ СИФАТИДА

Гулчеҳра Гаффарова

Чирчиқ давлат педагогика институти профессор в.б.
gafforovagulchehra3@gmail.com

Дилфуза Эргашева

Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларда ёшлар масаласи, мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар, уларни ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари ҳамда ёшлар маънавиятини ривожлантиришда 5 та муҳим ташаббусни аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, ёшлар, маънавият, жамият, давлат, таълим, 5 та муҳим ташаббус.

SPIRITUALITY OF YOUTH - AS AN IMPORTANT DIRECTION IN STRATEGY OF ACTIVITY

ABSTRACT

This article highlights the issues of youth in the reforms implemented under the Action Strategy, the opportunities created for young people in our country, the issues of increasing their social activity and the importance of 5 important initiatives in the development of youth spirituality.

Keywords: Action strategy, youth, spirituality, society, state, education, 5 important initiatives.

КИРИШ

Маълумки, мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув ва тез суръатлар билан ўзгариб бораётган мураккаб ва шиддатли даврда

мамлакатимиз ёшлари маънавиятини юксалтириш ҳамда турли таҳдидлардан асраш, уларнинг халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаб етиши, ушбу воқеликлар юзасидан холис ва мустақил фикрга эга бўлиши, ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947 сонли фармони ҳамда 2019 йил 19 март куни Президентнинг 5 та муҳим ташаббуснинг қабул қилиниши.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ёшлар маънавияти масаласи нафақат бугунги кунда балки олдинги даврларда ҳам муҳим ва аҳамиятли муаммолар тарзида эътибор берилган. Айниқса, ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоси турли даражадаги жамият ва фалсафа, психология, социология каби фанларнинг ихтисослашуви билан боғлиқ бўлган гуманитар билимларнинг бирлашмасидан иборат.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар муаллифлар томонидан дунёқарашнинг турли позициялари, маданий ва тарихий анъаналари ва мактаблари, услубий ва концептуал асосларидан кўриб чиқилган. Хусусан, рус файласуфлари Д.М. Азаматова, Р.Г. Апресян, А. И. Арнолдов, Е. А. Баллер, О. А. Беленкова, Б.С. Галимова, Д. Ж. Валеева, А.А. Валков, У. С. Вилданова, Г. Н. Волков, В. Е. Давидович, Ю. А. Жданов, М. Т. Иовчук, В. В. Куравлев, Н.С. Злобин, Л. Н. Коган, Г. Г. Квасов, И.К.Кучмаева, Е. С. Маркарян, В. М. Межуев, Е. А. Орлова, С. М. Поздеева, Ф.Б. Содиқов, Ф.А.Хазиев ва бошқаларнинг асарлари киритиш мумкин.

Глобаллашув шароитида маънавият масалалари, ёшлар маънавияти, маънавий қадриятлар ва маънавий янгиланишнинг хусусиятлари мустақилликнинг дастлабки йилларида Т.Маҳмудов, Ж.Туленов, С.Шермухамедов, А.Жалалов, Э.Юсупов каби атоқли олимлар томонидан ўрганилган бўлса, ҳозирги маънавий янгиланишнинг турли жиҳатлари Б.Алиев, С.Отамуродов, С.Бердикулов, Д.Норкулов, А.Умаров, Ш.Мадаева, С.Мамашокиров, Ж.С.Раматов, М.Қаҳҳарова, Г.Туленова, С.Рахимов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилмоқда.

Мақолани тайёрлашда тарихийлик, танқидийлик, тизимли методлардан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Ёшлар маънавиятини шакллантириш, ахлоқий тақдирни белгилаш ва умумбашарий инсоний қадриятларни дунёга жорий этиш муаммоси кўплаб авлод тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган абадий масалалардан биридир. Маънавият мавзусини қамраб олган илмий адабиётлар жуда кўп, турли хил таърифлар, талқинлар ва тадқиқот йўналишларини ўз ичига олади. Ушбу муаммони ўрганишга ёндашувларнинг хилма-хиллиги, асосан, маънавиятнинг умумлаштирилган назариясининг йўқлиги билан боғлиқ.

Жамиятнинг махсус гуруҳи сифатида ёшларга илмий ёндашиш, ёшларнинг турмуш тарзи ва маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, гуманитар фанлар бўйича кўплаб маҳаллий олимларнинг асарларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида маънавият, ёшлар тарбияси, миллий ўзликни англаш, миллий маънавият масалаларига эътибор берилган бўлса, ҳозирги президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” асарида ёшларни маънавий етук инсон этиб тарбиялаш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётиш эҳтиёжга айланиши, ёшлар билими, савиясини ошириш учун илм-маърифат, юксак маънавият кераклиги илгари сурилган.

М.Қуронов, А.Қодиров, Ш.Акрамовалар томонидан “Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш” монографиясида ёшларни этиб тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш каби масалалар таҳлил этилган[11].

Ф.Юлдашева илмий тадқиқотларида глобаллашув шароитида маънавий янгилашнининг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган[12].

Г.Ғаффарова ахборотлашган жамиятда маънавиятдаги ўзгаришлар, янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришда маънавиятнинг ўрнини [7-10] ёритиб берган.

МУҲОКАМА

Ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоси ҳар доим ушбу мураккаб ижтимоий-маданий жараённинг турли қирраларини ўрганаётган тадқиқотчилар

манфаатлари соҳасида бўлиб келган. Ушбу тадқиқотлар турли хил тарихий даврларда амалга оширилган ва амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизни ўзгартириш бир қатор мавжуд ёндашувларни қайта кўриб чиқишни ва янги мураккаб ижтимоий-фалсафий изланишларни талаб қилади. Замонавий амалиёт жадал ўзгариб бораётган жамиятнинг ҳақиқатларини ҳисобга олган ҳолда ёшлар маънавияти ва уни шакллантириш ҳамда ривожлантириш муаммоларини назарий таҳлил қилишни талаб қилади. Чунки узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида маънавиятнинг асосий элементлари ўзгаришларга учрайди.

Хўш мамлакатимизда охириги йилларда, айниқса Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган ислохотларда ёшлар, ёшлар маънавияти масалаларига қай даражада эътибор қаратилди?

Маълумки, 2017 йил республикамизда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди [1]. Ушбу стратегия республика тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Шу билан бирга унда мамлакатимиз фуқароларининг келгуси беш йиллик ҳаётини белгилаб берувчи ҳужжат ҳам бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, ёшларни муносиб таълим олиши, ёшлар фаоллигини ошириш, ёшларни тadbиркорликка жалб этиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш каби вазифаларни ҳал этиш муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз“[1] деган фикрлари ҳам мамлакатимизда ёшлар масаласига эътибор давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлигини исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 июнь куни ёшлар билан бўлиб ўтган тарихий учрашуви мамлакатда ёшлар сиёсати самарадорлигини ошириш билан боғлиқ янги даврни бошлаб берди. Энг муҳим жиҳат сифатида, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон

ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракат – Ўзбекистон Республикаси ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги [2] Фармони қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатда ёшларга доир давлат сиёсати самарадорлигини оширишга доир ўнлаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларда биринчи навбатда, ёшлар тарбиясини мустаҳкамлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Энг аввало, барча даражадаги давлат ҳокимияти органларида, маҳаллаларда ёшлар масалалари бўйича хизматлар ташкил этилди, 30 июнь мамлакатда “Ёшлар куни” деб белгиланди.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари бўйича илгари сурилган 5 муҳим ташаббусни амалга ошириш юзасидан қарорлари муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 2019 йил 19 март куни Республика Президентининг ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселлектор йиғилишида илгари сурган 5 та муҳим ташаббусининг ижроси юзасидан Чирчиқ шаҳар халқ таълими тизимида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ёшлар маънавиятини ривожлантириш улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида китобхонлик викториналари, китобхонлик кечалари, китоблар ярмаркалари ташкил этилиб ушбу ўтказилган тадбирлардан кўзланган мақсад ёшларни интеллектуал билимларини янада бойитиш, уларни ўтмиш тарихимиз, аждодларимизнинг бой маданий меъросини ўргатиш орқали маънавиятини янада юксалтириш бўлиб, 5 та муҳим ташаббус доирасида Республика миқёсида ўтказилган “Энг яхши китобхон” кўрик танловида Чирчиқ шаҳар ўқувчи ёшлари Президент совғаси “спарк” машинаси билан тақдирландилар[3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат тарихида илк бор ўтказилган Ёшлар форумида “Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу - Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор кетмасин! Ёшлик – умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!” [6] дея таъкидлаши ёшларга кўтаринки руҳ ва шижоат бағишлади.

Шунингдек, давлат раҳбари томонидан кейинги йилдан (2021-2022 йй.) олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёшлар учун Президент гранти жорий этилиши ҳам ёшлар масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради. Айтиш лозимки, агар мавжуд Президент стипендияси фақат бир ўқув йили учун мўлжалланган бўлса, Президент гранти талаба ўқишни битиргунига қадар, яъни тўрт йил давомида тўлаб борилади. Шу билан бирга, келгуси ўқув йилидан бошлаб, республикамиздаги хорижий олий ўқув юртлирининг бакалаврият босқичи талабалари учун ҳам Президент ва давлат стипендиялари жорий этилиши Янгиланаётган Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бундай ислохотлар натижасида хорижий давлат олий таълим масканларида таълим олаётган ёшлар ҳам ўзимизнинг фарзандларимиз эканлиги, улар ҳам эртага юртимиз тараққиёти учун хизмат қилишини назарда тутди. Шундай экан, уларга бугун ғамхўрлик қилиш, истеъдодини рағбатлантириш адолатдан бўлиши ҳақида алоҳида таъкидлади.

Илм йўлини танлаган иқтидорли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида, кейинги йилдан бошлаб магистратура ва докторантура босқичлари учун Президент стипендияси квотасини икки баробарга оширилиши [4], бундай имконият ва имтиёзларга, аввало, янги Ренессанс пойдеворининг чинакам бунёдкорлари сазовор бўлиши ҳам юртбошимиз томонидан ёшларга яратилаётган кенг кўламли ислохотлардан бири саналади. Шу сабабли жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун “илм-маърифат, юксак маънавият керак” [5, 11].

Юртбошимиз томонидан яна бир долзарб масала ўртага қўйилганди. Яъни, юртимизда бир неча фарзанди олийгоҳларда таҳсил олаётган оналарнинг аксарияти, ўқиш харажатларини қоплашда қийналишини инобатга олиб икки ва ундан ортиқ фарзанди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқиётган оилаларга имтиёзли таълим кредити бериш тартиби ишлаб чиқилди.

Бунда кредитни ўқиш даври тугаб, ёшларимиз ишга жойлашгандан сўнг қайтариши назарда тутилган.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14-ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилган. Ёшларга яратилаётган бундай имкониятлар ёшлар маънавиятини ривожлантиришда, мамлакатимиз иқтисодиётини, таълим сифатини, оширишда ўзига ҳос аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегияси доирада олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси ёшларнинг маънавий камолотини оширишда ва уларнинг малакали кадрлар бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади. Маънавий соҳада маънавий кадрларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлгимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиклол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишларига йўл қўймаслик бу борадаги асосий вазифаларимиздан бири бўлди.

Давлатимиз томонидан ёшларга оид сиёсатнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки бугунки кунда нафақат мамлакатимиз ёшлари балки чет мамлакатларга ишлаш учун кетган ёшларни ҳам ватанга қайтариш уларга кенг имкониятлар яратиш каби инсонпарварлик ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ХУЛОСА

Умуман олганда, ёшлар маънавиятининг шаклланиш жараёни ўзаро зиддиятли ва чексиздир. Ёшлар маънавиятини шакллантиришга таъсир қилувчи қарама-қаршиликлар объектив ва субъективдир. Шу билан бирга, биз ушбу қарама-қаршиликларнинг барча ёш босқичларида изоморфик эканлигини таъкидлаймиз ва агар улар ҳал етилса, у ҳолда шахснинг маънавий асосларини мустаҳкамлайди, агар улар ҳал етилмаса, демак, маънавий ривожланиш боши берк кўчага кириши мумкин. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ҳаракатлар стратегияси ҳамда 5 та муҳим ташаббусда ёшлар маънавиятини юксалтириш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаш каби масалалар муҳим ўринни эгаллайди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: “Адолат”, 2018. – 112 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги Қонун. Тошкент 2016 йил 14 сентябр
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 март кундаги маърузаси Тошкент 2019 й.
4. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2020.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – 453 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар форумида сўзлаган маърузаси Тошкент 2020 й.
7. Gaffarova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A STRATEGY OF ACTION AS A COMPLEX SYSTEM. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science, 90(10), 448-452.
8. Г. Гаффарова, А. Абдуллаев. (2021). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.
9. G. Makhmudova, G. G‘affarova, G. Jalalova (2020). O‘zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
10. G.G. Gaffarova, (2020). Strategy of activity and systematical approach. nternational Journal of Psyshosial Rehabilitation. London, United Kingdom, 24, Issue-5, May. - 6645-6651.
11. Қуронов М., Қодиров А., Акрамова Ш. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. – Тошкент: «Маънавият», 2018. -112 б.
12. Юлдашева Ф.Х. Ўзбекистонда глобаллашув шароитида маънавий янгилинишнинг ўзига хос хусусиятлари: Дисс. автореф. фалс.ф.д. – Тошкент, 2019. -72 б.